



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 -yil 26 - январь

10 – Қ –son

Samarqand sh.

**Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслари томонидан жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1010-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 4 июндаги (04/11-01-32/1888-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги (12/6-5/2348-сон) хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг жисмоний шахслари томонидан жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги матбуот котиби — ахборот хизмати (М.Мирзаев) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими **В.В.Б**

**Ж.Ураков**





Вилоят ҳокимининг  
2021 йил “26” январдаги  
10-4-сонли қарорига  
илова

**Вилоятда тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдори**

Техник характеристика	Ўлчов бирлиги	Чекланган нарх (хар бир бирлик учун; ҚҚС сиз)
Автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш	сўм	51412

ижрочи:

Вилоят ҳокимлигининг  
етакчи мутахассиси  
Ж.Ашуров